

Ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий самарага эришамиз. Шу боис маҳалла фаоллари, нурунийлар, эиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тadbиркорлар, таниқли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар – умуман бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга «жамият танасидаги саратон» сифатида қараши керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

2025-yil
6-mart
payshanba
№29
(5093)

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида иштирок этди. Йиғилишида юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо берилиб, келгуси вазифалар белгиланди. Илк мартаба бундай тарзда йиғилиш ўтказилиши коррупцияга қарши кучли сиёсий иродани намоён этди.

Юртбошимиз йиғилишида

55 та

аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусни илгари сурди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ



Энг муҳим, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги юксалтирилиб, жамиятда коррупцияга қарши курашишга дахлдорлик шаклланади.

Манба: president.uz

Ушбу QR кодни сканер қилинг ва батафсил танишинг:



УМУММИЛЛИЙ ВАЗИФАГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон касаб
ушмалари
Федерациясида
қуну тун фаолият
кўрсатадиган

1211

қисқа
рақамли
«Ишонч
телефони»,
яъни
«Call-center»га

мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида,
олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган
хотин-қизлар
ўз муаммолари
бўйича исталган
вақтда мурожаат
қилишлари
мумкин.



ФАКТ

РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ 37 037 ТА БОШЛАНГИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИДАН, 5 МАРТ КУНГИ МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, 17 146 ТАСИДА (46,3 %) МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШЛАРИ (КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ЎТКАЗИЛДИ.



Шу мавзуга
доир мақолани
2-саҳифада
ўқинг!



ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

«Ishonch» мухбири
Гуломжон МИРАХМЕДОВ
хабар қилади.

4 март куни Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясида фаолият сарҳисоби доирасида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Танқидий-тахлилий руҳда кечган анжуманда Федерация аппарати раҳбарияти, мутахассислари, Республика ва ҳудудий кенгашлар раислари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари иштирок эттиди.

Қайд этилганидек, охириги йилларда барча тармоқ ва йўналишларда бўлгани каби касаб уюшмаларида ҳам туб ислохотлар кузатилди. Ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, ишчи-ҳодимларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат хавфсизлигини таъ-



минлаш йўлида кенг қўламли вазифалар бажарилди. Айниқса, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда қўллаб-қувватлаш ишлари қилинди. Лекин шунга қарамай, соҳада камчиликлар бор. Ишлаб чиқаришда солид бўлаётган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдаги сусткашликлар, техника хавфсизлигига риоя этмаслик, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик каби муҳим масалалар шулар жумласидан.

Машварат асноси кун тартибидан ўрин

олган барча масалалар бўйича тегишли топшириқлар берилди. Йўл қўйилган камчиликлар юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Талбир ниҳоясида Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов фаолиятда сусткашликка йўл қўйган Республика ҳамда ҳудудий кенгашлар мутасаддилари, шунингдек, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари ва масъулларини катъий огоҳлантирди:

«Ҳаммамиз халқнинг хизматкоримиз. Давлатимиз раҳбари бизга ишонч билдирапти, ҳар жабҳада қўллаб-қувватляпти. Шундай экан, зиммамиздаги вазифаларга виждонан ёндашишимиз керак. Бундан буён қайсики раҳбар ходимларнинг ҳақиқага хиёнат қилса, нопоклик йўлидан борса, у билан хайрлашамиз! Бундайларга орамизда жой йўқ!»

ЮКСАК ЭЪТИРОФ МУБОРАК!

Мамлакатимизда демократик ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда хотин-қизларнинг иштироки йил сайин фаоллашиб бормоқда. Бунга ҳамоҳанг равишда уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, уларнинг меҳнатлари эътироф этилиб, юксак кадр-қимматга муносиб кўрилмоқда.

Шу йилнинг 4 март куни Президентимиз «8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Унга кўра, мамлакатда мўътабар аёл зотиға муносиб эътиҳор кўрсатиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишга катта ҳисса қўшаётган бир гуруҳ хотин-қизлар мукофотланди. Улар орасида Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси кенгашининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Гаибназарова ҳам бор. У «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси ҳамда таҳририят жамоаси номидан Нодира Гаибназаровани қўтлаб, унга келгуси фаолиятда улкан марралар тилаймиз.



Президентимизнинг «8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонини асосида мукофотланганлар рўйхати билан тўлиқ танишинг учун қуйидаги QR кодни сканерланг.



ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ОСОНМАС



2020 йилда вилоятда бошлангич касабга уюшмалари аъзолари сони 224 минг нафар атрофида бўлган бўлса, 2025 йилга келиб, 293 минг нафардан ошди. Вилоятда янги аъзоларни қабул қилиш борасида муайян ишлар олиб бориляпти. Шундан ҳам кўриниб турибдики, бу йил сайланадиган раисларга осон бўлмайди. Зеро, сайловчилар талабчанлиги ошган. Буни қизгин бахс-мунозараларга бой ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларидан ҳам билса бўлади.

Бутунги кунга қадар вилоят бўйича 1469 та бошлангич касабга уюшмаси ташкилотидан 713 тасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларнинг 30 таси конференция шаклида ўтказилди. Бошлангич касабга уюшмаси ташкилотлари раҳбарлик лавозимлари (раис ва унинг ўринбосари)га сайловлар муқобиллик асосида, ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилган раис ва раис ўринбосарлари сайлови эса муқаррар равишда муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилмоқда.

КЎМИТА АЪЗОЛАРИГА ДУБЛЁРЛАР ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

Вилоятдаги таълим ва фан ходимлари касабга уюшмалари ташкилотлари таркибида 895 та бошлангич ташкилот бор. Айнан мактаблардаги сайловлар очик бўлса-да, номзодлар жамоанинг кенг муҳокамасидан ўтказиб сайланмоқда. Чунки мактабдаги касабга уюшмаси аъзолари ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган, ишонса, суянса бўладиган жонкуяр кишиларни раисликка ва кўмига таркибига сайлашга ҳаракат қилишмоқда.

Фориш туманидаги 12-мактаб касабга уюшмаси ташкилотидан ўтган йиғилишда маъруза қилган касабга уюшмаси кўмитаси раиси А.Жалилова тизимда юз берган ўзгаришлар, ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар, шунингдек, навбатдаги вазифаларга батафсил тўхталди.

Сўзга чиққанлар кўмитанинг беш йиллик фаолиятини ижобий баҳолаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Йиғилишда А.Жалиловага яна бир бор ишонч билдирилиб, кўмига раиси этиб сайланди.

– Бу йилги ҳисобот-сайлов йиғилишларида жиддий масалалар кўтарилмоқда. Айниқса, ҳисобот-сайловларни ўтказиш бўйича янги Низомга касабга уюшмаси йиғилишларида кворум бўлишини таъминлаш мақсадида сайланган кўмига аъзоларига дублёрлар бўлиши кўмига фаолиятига ижобий таъсир ўтказиши деб ўйлайман, – дейди А.Жалилова. – Аъзолар ҳисоботда келтирилган рақамларни таҳлил қилиб, куза-

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ БОШЛАНГИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА. БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ЙИГИЛИШЛАРДА АЪЗОЛАР КАСАБАЎМЛАР ҲИСОБОТЛАРИНИ ТАНҚИДИЙ МУҲОКАМА ҚИЛИБ, ЕТАКЧИЛАРНИ САЙЛАШДА ИШЧАНЛИК, ТАЛАБЧАНЛИК, ТАШКИЛОТЧИЛИК ФАЗИЛАТЛАРИГА, КЎПЧИЛИКНИ ОРТИДАН ЭРГАШТИРА ОЛИШ ИҚТИДОРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШМОҚДА.



тилган камчиликлар юзасидан очик-ойдин фикр билдиришга эътибор қувонарли ҳол. Бу келгуси фаолиятга янада масъулият билан ёндашиш зарурлигини аңглатади.

САЙЛОВ ЁПИҚ ОВОЗ БЕРИШ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛДИ

Жиззах давлат педагогика университети вилоятдаги энг йирик ва нуфузли олий таълим муассасаси ҳисобланади. Шубҳасиз, мингдан зиёд илмий-педагог ва ишчи-ҳодимлар меҳнат қилаётган жамоанинг ақсарияти – зиёлилар. Бундай йирик ва интеллектуал салоҳияти юқори жамоа ишончини қозониш, энг муҳими, улар ишончига муносиб бўлиш осон эмас.

Шу талаблардан келиб чиқиб, университет касабга уюшмаси ташкилоти ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам катта тайёргарлик билан ўтказилди. Конференция университет факультетлари, кафедралари, бўлимлари, цех касабга уюшмаси ташкилотларидан сайланган 39 нафар делегатнинг тўлиқ иштирокида бўлиб ўтди. Унда маъруза қилган касабга уюшмаси кўмитаси раиси Жаҳонгир Маждидов сўнгги 5 йиллик фаолиятини батафсил таҳлил қилиб берди.

– Ҳисобот даврида раҳбарият касабга уюшмаси ҳуқуқларига тўлиқ риоя қилган ҳолда жамоа шартномаси бандларини бажаришга ҳаракат қилди, – деди маърузачи. – Ҳодимлар манфаатига тааллуқли масалалар касабга уюшмаси билан келишилган ҳолда ҳал этилди. Барча тақлифларимиз



ўз вақтида ва муддатда кўриб чиқилди.

Делегатлар кўмига раиси ва тафтиш комиссияси ҳисоботларини муҳокама қилиб, амалга оширилган ижобий ишларни қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтишди. Конференцияда иштирок этган Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши раиси ўринбосари А.Ихтиёр, Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Б.Қодиров, университет ёшлар масалалари, маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори С.Назарқосимов ва бошқалар бошлангич касабга уюшмасининг ҳисобот давридаги фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ташкилот фаолияти қониқарли деб топилди.

Шундан сўнг касабга уюшмаси кўмитасининг раиси сайлови ўтказилди. Сайлов муқобиллик асосида, яширин овоз бериш тартибидан ўтказилиб, Жаҳонгир Маждидов раисликка қайта сайланди.

Касабга уюшмаси кўмитаси ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби, Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Жиззах вилояти ташкилоти ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси вилоят кенгаши таркибидagi Республика шошилич тиббий ёрдан илмий маркази Жиззах филиали касабга уюшма ташкилоти ҳисобот-сайлов конференциясида эса муассасада фаолият юри-таётган мингдан зиёд ходимнинг ҳимояси йўлида тизимли ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Бу ташкилотда ҳам касабга уюшмаси кўмитаси раиси Қадрия Нурмухаммадиева қайта сайланди.

Баҳмал давлат ўрмон хўжалиги бошлангич касабга уюшмаси ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам талабчанлик руҳида ўтди.

Йиғилишда ҳисобот маърузасини тақдим этган ўрмон хўжалиги бошлангич касабга уюшмаси кўмитаси раиси Бахтиёр Дониёров касабга ўрмончилар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоа шартномасининг бажарилиши назорати, ишчи-ҳодимлар ижтимоий ҳимояси бўйича амалга оширилган ишларга, йўл қўйилган камчиликларга батафсил тўхталди. Ҳисобот муҳокамасида қатнашганлар касабга уюшмаси кўмитаси аъзолари ва йиғилишда иштирок этган Агроеконом мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси А.Турсунов, Агроеконом мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Баҳмал тумани кенгаши раиси Д.Жоникюловлар касабга уюшмаси кўмитаси фаолиятига баҳо беришда танқидий ёндашдилар.

ЭНГ АВВАЛО, ТАЛАБЧАНЛИК

– Бундан беш йил аввалги ҳисобот-сайловлардан фарқли ўлароқ, бу йилги йиғилишларда жамоалар юксак фаолият билан ҳисоботларини муҳокама қилишга, кўмиталарнинг янги таркибларини сайлашга талабчанлик билан ёндашдилар. Ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилган раислар фаолият кўрсатаётган бошлангич ташкилотларда кўмига раисларини сайлаш муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли орқали ўтказилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, – дейди Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудри Икром Юнусов.

Вилоятдаги бошлангич касабга уюшмаси ташкилотларида ҳисобот-сайловлар давом этмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасалар меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар энг муносибларни ўзларига етакчи қилиб сайлашмоқда.



Мукимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ЮРТИМИЗДА АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАН-ФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БУ ЭЗГУ ИШЛАРДА ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ ҲАМ САЛМОҚЛИ ҲИССАСИ БОР.

СОҲАДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИ ҚАНДАЙ?



Кенгаш томонидан Ўзбекистон касабга уюшмаларининг 120 йиллиги муносабати билан «Замонавий касабга уюшмаси ҳаракатида таълим соҳасидаги хотин-қизларнинг роли» мавзусида ташкил этилган тадбирда бу жиҳат алоҳида эътироф этилди. Жорий йилда тизимдаги аёл педагоглар ва ходимларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг дам олишлари, соғломлаштирилишини самарали ташкил этиш, меҳнат ҳуқуқлари бузилишларининг олдини олиш бўйича келгусидаги режалар юзасидан сўз борди.

– Ўтган йилда тармоқда аёллар ижтимоий меҳнат ҳуқуқларининг ҳимояси бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Хуеусан, еш болали аёлларга ойлиги сақланган ҳолда иш вақтини хафтасига 35 соатдан ошмайдиган тарзда белгилаш жорий этилди. Пенсия ёшига етган ходимларга пенсияга чиқишидан олдин моддий ёрдamlар берилди, – деди тармоқ ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шухрат Жалилов.

Соҳада хотин-қизларга берилаётган имкони-ятларга батафсил тўхталган тадбирда «Miss Universe Uzbekistan» ғолиби, «Киногг гўзали – 2024» танлови иштирокчиси Нигина Фахритдиновадан унутилмас мастер класс ташкил этилди. Шундан сўнг энг фаол туман ва шаҳар кенгаши раислари ўртасида «Замонавий раҳбар аёл» кўрик-танлови ўтказилиб, иштирокчилар учта шарт бўйича беллашилди ва ўз билим-кўникмаларини муостаҳкамлашди. Унда тармоқ ходимлари касабга уюшмаси Чуст тумани кенгаши раиси Муқаддас Фазлиддинова 1-ўринни қўлга киритди.

Ўзгал тароналар даврага ўзгача файз бағишлаган тадбир сўнггида барча қатнашувчиларга эсдалик совгалари улашилди.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»



4 МАРТ КУНИ ҚОҲИРАДА БЎЛИБ ЎТГАН АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ САММИТИДА МИСРНИНГ ҲАЗО СЕКТОРИНИ ТИКЛАШ БОРАСИДА 53 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА БАҲОЛОНАЁТГАН БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. УШБУ ҲУҲЖАТ ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ УЧУН МУҚОБИЛ ЙЎЛНИ ТАКЛИФ ҚИЛИБ, ДОНАЛЪД ТРАМП МАЪМУРИЯТИНИНГ АВВАЛГИ РАДИКАЛ ТАКЛИФЛАРНИ ИСТИСНО ЭТАДИ.

АҚШ режасига кўра, фаластинликлар бошқа араб давлатларига кўчирилиши, Ҳазо эса қуролсизлантирилиб, халқаро ташкилотлар назоратидаги «Яқин Шарқ ривераси»га айлантирилиши керак эди. Режа нафақат араб давлатлари, балки баъзи Европа ва АҚШ сиёсий доиралари томонидан ҳам кескин танқидга учради. АҚШ сенатори Крис Мёрфи ушбу ташаббусни телбалик деб атаган бўлса, етакчи араб давлатлари мажбурий кўчирилиши минтақавий хавфсизликка таҳдид сифатида баҳолади.

Бунга жавобан Миср, Саудия Арабистони, БАА ва Иордания аҳолини кўчирилиши рад этиш, аммо Ҳазони қайта тиклаш учун кенг кўламли дастурни амалга ошириш билан боғлиқ янги ечим таклиф қилди. Мазкур дастур араб дунёсида кенг қўллаб-қувватланаётган бўлса-да, унда Ҳазо келажаги, ҲАМАС мақоми ва Исроилнинг бу ташаббусга муносабати борасидаги кўплаб саволлар очик қолмоқда.

Ҳазо секторини тиклаш бўйича Миср режаси чора-тадбирлар мажмуасигина эмас, балки узок йилларга мўлжалланган, пухта ўйланган стратегиядир. У нафақат минтақани қайта тиклаш, балки унинг келажаги учун мустаҳкам пойдевор яратишни мақсад қилади. Режа уч босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич кейингиси учун асос бўлиши керак. Олти ойга мўлжалланган фавақулда барқарорлаштириш босқичида вайронага айланган Ҳазода бир вақтлар гуллаб-яшнаган шаҳарнинг 50 миллион тоннадан ошадиган харобалари қолдиқларини тозалаш ишлари бошланади. Шундан сўнг вақтинчалик тураржойлар, минглаб бошпанасиз қолган оила-лар учун мобил уйлар ўрнатилди.

Шу билан бирга, ўтиш даври маъмурияти ташкил этилади. Унга фаластинлик мутахассислар жалб этилиб, мухитни бошқариш имкони яратилади. Бу жараён Ҳазода

ЯҚИН ШАРҚДА

бошқарув самарадорлигини таъминлаш нуктаи назардан муҳим аҳамиятга эга. Ушбу босқичнинг энг долзарб нуктаси ҲАМАС ўз ихтиёридаги қурол-яроғларни Мисрга топшириши ва бу жараён халқаро кузатувчилар томонидан назорат қилинишидир. Бу Исроил ва Ҳазо ишончини қозониш учун ҳал қилувчи босқич ҳисобланади.

Икки йилга мўлжалланган ўрта муддатли босқичда илк инкироз бартараф этилган, янги тураржойлар қурилади. 200 мингга янги уй-жой қурилиши минглаб оилаларнинг тинч ҳаётга қайтишига замин яратилади.

Фаластин хавфсизлик кучлари ташкил этилиб, улар Миср ҳудудида тайёргарликдан ўтади. Бу кучлар келажақда минтақадa тартибни таъминлаш учун масъул бўлади. Шунингдек, йўллар, электр тармоқлари, сув таъминоти ва канализация каби инфратузилмалар тикланади. Айни босқичда Ҳазо қайта тикланган, ҳаёти одатий ўзига тушган ҳудудга айлантирилиши керак.

2030 йилгача мўлжалланган узок муддатли режада эса Ҳазони ривожлантириш кўзда тутилган. Ушбу босқичда ҳудудда қўшимча яна 200 мингга уй-жой қурилади. Аэропорт ва санаот зоналари барпо этилади. Туризм инфратузилмаси ривожлантирилади, Ҳазо минтақанинг иқтисодий нуктаи на-

зардан барқарор ҳудудга айланади. Асосий мақсад – Ҳазони секин-аста Фаластин автономияси назоратига ўтказиш. Бу тинчлик жараёнининг ҳал қилувчи сиёсий босқичи ҳисобланади.

Араб давлатлари лигаси Фаластин масаласига бағишланган навбатдан ташқари саммити якунидаги коммюникеда Ҳазо секторидa Фаластин ҳукумати бошчилигида вақтинчалик маъмурият ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.

«АДЛ Фаластиннинг Ҳазода салоҳиятли амалдорлардан иборат вақтинчалик маъмурият тузиши ҳамда уни Фаластин ҳукумати раҳбарлигида бошқариш қарорини қўллаб-қувватлади. Бу қадам минтақадa Фаластин маъмуриятини тиклаш йўлидаги ўтиш даври чораси сифатида қўрилади», дейилади ҳужжатда.

Араб давлатлари етакчилари Ҳазо секторини қайта тиклаш бўйича Миср режасини молиялаштириш учун мақсадли фонд ташкил этиш борасида келишувга эришди. Коммюникеда ушбу лойиҳани тўлиқ молиявий, моддий ва сиёсий қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди, шунингдек, халқаро донорлар ҳам бу жараёнга ҳисса қўлиши лозимлиги таъкидланди.

Араб давлатлари раҳбарлари АҚШ маъмурияти ва халқаро шериклар билан мулоқотни йўлга қўйишга тайёр



Давлат дастури ижроси доирасида 2025 йилда мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларига тааллуқли юзтадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинади. Қонун ижодкорлигига оид ушбу вазифа Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастурида белгилаб берилди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистон ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижаларини мустаҳкамлашда янги тахрирдаги Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқасб. Агар дунё мамлакатлари конституцияларида инсоннинг 110 дан ортиқ ҳуқуқи кайд этилган бўлса, бу ҳуқуқларнинг 90 таси эндиликда мамлакатимиз Асосий қонунида мавжуд ва шу ҳуқуқлардан 40 таси янги конституциявий ҳуқуқлардир.

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг 1-моддасида давлат қурилишининг стратегик мақсади – суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуриш экани қатъий белгиланди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди. Айниқса, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муқаддас янги механизмларини назарда тутишни конституциявий асослар мустаҳкамлагани эътиборга сазовор.

Янги тахрирдаги Конституциянинг, мамлакатнинг бутун ҳудудда олий юридик кучга эгалиги; тўғридан-тўғри амал қилиши; ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этишига тааллуқли конституциявий нормалар мустаҳкамлаб қўйилди. Эски тахрирдаги матнда Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллашга доир ушбу механизмлар мавжуд эмасди.

Ўзбекистонда 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришни бўйича саъй-ҳаракатлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мос равишда, қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, адвокатура институти макеини кескин ошириш, малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва адлия тизимини такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Мазкур Стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган янги чора-тадбирлар қабул қилинди. «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастури доирасида бошлаб юборилган қонун ижодкорлиги фаолияти сўнгги йилларда бу борада олиб борилаётган тизимли ислохотлар сиёсатининг мангикий ва изчил давомидир.

ЯНГИ ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИКНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАТИРИШ

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2025 йил «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йили деб эълон қилинганидан кўзланган асосий мақсад Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш йўлида бошланган ишларимизни янада юксак босқичга кўтаришдан иборат. Шу муносабат билан жорий йилда:

- маҳаллаларнинг экологик кифёсини яхшилаш, қўчаларда яшиллик даражасини ошириш, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантириш;
- аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон саломатлигини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш;
- табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш;

- ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, қўпайтириш ва кейинги авлодга етказиш ҳамда биологик хилма-хилликни сақлаш;
- «яшил иқтисодиёт» тамойилларини кенг жорий қилиш, иқтисодиётни иқлим ўзгаришига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни барқарор молиялаштириш;
- республика энергобалансида қайта тикланувчи энергия улушини ошириш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида йирик «яшил энергия» станцияларини барпо этиш, ҳудудларда кичик ва микро гидроэлектр станциялари тармогини кенгайтириш, аҳоли хонадонларида қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш;
- иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада замонавий энерготехжамкор технологияларни кенг қўллаш орқали иқтисодиётда «углерод изми» камайтириш;
- экологик барқарорликка йўналтирилган ҳудудлар ва тармоқларга мувофиқлаштирувчи таъминлаш мамлакат ривожланишининг устувор ёндашувлари этиб белгиланди.

Бинобарин, 2025 йилда қабул қилиниши кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарияти моҳиятан ана шу эзгу мақсад-муддаоларга ҳаммаҳангдир.

Биринчидан, Давлат дастурининг 66-мақсади доирасида мамлакатимизда экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига таъсир ўтказувчи экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган 2 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш белгиланган.

Булардан бири – туپроқнинг унумдор қатламни сақлаш, яшил ҳудудларни асраш, табиат ресурсларидан самарасиз фойдаланиш ва исрофгарчиликка барҳам бериш мақсадида маъмурий жавобгарликни кескин қучайтириш бўйича қонун лойиҳасидир. Лойиҳада туپроқ ва яшил қопламалар билан ўралган ҳудудларни ўзбошимчилик билан бетонлаштириш ҳамда қурилма ва конструкцияларни ўрнатиш учун жавобгарликни белгилаш; сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш ва исрофгарчиликка йўл қўйганлик учун жавобгарликни қучайтириш назарда тутилди.

Кейингиси – «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаси. Лойиҳа асосида юртимизда иссиқхона газлари ташламаларининг атроф табиий муҳитга ва иқлим ўзгаришига салбий таъсирини юмшатишга қаратилган компенсация механизми жорий қилинади.

Иккинчидан, Давлат дастурининг 67-мақсадида экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини кенгайтириш доирасида «Атроф-муҳит мониторинги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладиган бўлиши мумкин. Бу ҳужжат, атроф-муҳит инфоосланиш даражасини реал вақт режимида аниқлаш, унинг экологик ҳолатини баҳолаш бўйича фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш; атроф-муҳит мониторинги тизимини такомиллаштириш ва самаралорини ошириш ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсир юзага келишини прогнозлаштириш ишларини қонун асосида йўлга қўйиш учун хизмат қилади.

Учинчидан, Давлат дастурининг 70-мақсадида иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш йўлида «Иқлим ўзгариши тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Ҳозирги замон қонун ижодкорлиги: ҚОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

ҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Лойиҳада иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш чоралари, шунингдек, кишлоқ хўжалиги ва бошқа органларнинг иқлим ўзгаришига мослаштириш тадбирларининг қонуний механизмлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Тўртинчидан, Давлат дастурининг 71-мақсади доирасида биологик хилма-хиллик инсончи сақлашнинг таъминлашга қаратилган «Биологик хавфсизлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладиган бўлиши мумкин. Бу ҳужжат, хусусан, давлат органларининг биологик хавфсизлик соҳасидаги ваколатларини белгилаш; биологик хавфсизликни қучайтириш; табиий туркумлар ва кишлоқ хўжалиги экинлари зарар етказиши мумкин бўлган бегона турларни олиб қириш ва тарқатиш устидан назорат қилиш; таркибда жонли модификациялаштирилган организмлар ва генетик модификациялаштирилган организмлар бўлган организмларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиб қириш, сотиш ва тарқатиш устидан назорат қилиш механизмлари назарда тутилди.

Бешинчидан, Давлат дастурининг 72-мақсадида атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт»га босқичма-босқич ўтиш тамойилларини инноватга олган ҳолда, «Чикиндилар тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрири лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Бунда, хусусан, ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар учун «Ифлослантурувчи тўлайди» тамойили асосида кенгайтирилган мажбуриятларни белгилловчи тизимни ташкил этиш; юридик ва жисмоний шахсларнинг махсус техникаларидан қаттиқ манжий, қурилиш, суюқ манжий, тиббиёт, санаят, хавфли ва захарли чикиндиларни ташишни лицензиялаш тизимини ташкил этиш; тиббиёт чикиндиларини йиғиш, зарарсизлаштириш, утилизация қилиш ва қўмиб ташлаш тизимини ташкил этиш назарда тутилди.

Олтинчидан, Давлат дастурининг 73-мақсади доирасида атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид бир қонун қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш белгиланган.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Давлат дастурининг 75-мақсади «Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг халқнинг чинакам «овози»га айлантириш», деб номланган. Унинг ижроси доирасида маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти самаралорининг ошириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладиган бўлиши мумкин.

Давлат дастурининг 79-мақсадида Янги Ўзбекистонни барпо этишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш белгиланган. Бу борада 4 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладиган бўлиши мумкин.

Биринчиси – Парламентда муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқларини янада кенгайтириш бўйича қонун лойиҳаси. Лойиҳада, хусусан, муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқлари сонини 3 тадан 6 тага ошириш; муҳолифат вакилларининг 1 нафар кўми раиси ва 2 нафар кўми раиси ўринбосари лавозимларига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини кафолатлаш; қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилгунга қадар ушбу масалага доир қонун лойиҳасининг, шунингдек, Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил тахририни киритиш; ҳар чоракда «хукумат соати» ва парламент сўрови доирасида муҳолифат томонидан қаида биттадан масала киритиш каби нормалар кўзда тутилди.

Иккинчиси – Қонунчилик палатасига қонун лойиҳаларини киритишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда қонунлардаги ҳуқуқий бўлиқларни тўлдиришнинг аниқ тартибларини белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси. Мазкур қонун лойиҳасида қонун лойиҳаларини парламентга киритишга халқаро шартнома матнининг, ҳуқуқий экспертиза ҳамда коррупцияга қарши экспертиза ва жамоатчилик муҳокама натижаларининг тақдим этилишини, шунингдек, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилгунга қадар ташаббускор томонидан уни қақириб олишни белгилаш назарда тутилди.

Учинчиси – Парламент назорати натижаларининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси. Қонун лойиҳаси билан «Парламент назорати тўғрисида»ги қонуннинг 21-, 22-моддалари



Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
академик

рига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилди.

Тўртинчиси – Сенат қўмиталаридаги эшитув институтини асосларини мустаҳкамлаш бўйича қонун лойиҳаси. Лойиҳада Сенат фаолиятида эшитув билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари халқаро тажриба билан ҳорижий давлатлар қонунчилиги асосида ўрганилиб, маъқуллашган илгор тажриба асосида парламентга оид қонунчилик мувофиқлаштирилади.

Давлат дастурининг 82-мақсади халқ билан мулоқотни янада кенгайтириш орқали аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш тизимининг самаралорининг оширишга оид чора-тадбирларни ўзида камраган. Жумладан, қонун ижодкорлиги йўналишида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунни қабул қилиш орқали қонунчиликка «Колл марказ», «Ишонч телефони» каби тушунчаларни киритиш, бу тизимлар билан ишлаш тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда.

СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ОДИЛ СУДЛОВ

Давлат дастурининг 86-мақсади суд ҳокимияти мустақиллигини қучайтириш ва унинг фаолиятида оқилликни таъминлаш орқали одил судловга эришни даражасини оширишга оид чора-тадбирлардан иборат. Ушбу мақсадга эришни йўлида 4 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Биринчидан, «Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш талаб этилади. Судьялар ҳамжамияти органларининг ҳудудий асосларини белгилаш мақсадида қаратилган ушбу қонун лойиҳасида судьялар ҳамжамияти органларига суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принциплари ривож этилишини таъминлашга қўмаклашиш, суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судьяларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан, кадрлар ва ресурслар билан таъминлаш ҳамда шу каби бошқа муҳим асосий вазифаларни юқлаш; судьялар ҳамжамияти органларининг вазифалари, функциялари ва ваколатлари, уни шакллантириш, шу жумладан, ушбу органларга номзод кўрсатиш тартиби, шунингдек, судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти механизмининг, ўзаро ва бошқа идоралар билан ҳамкорлик қилиш тартиби назарда тутилди.

Иккинчидан, судьялар мустақиллигини таъминлашда судьялар маконининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган «Судьялар макони тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладиган бўлиши мумкин. Лойиҳа судьянинг дахлсизлиги, судьянинг малакасини ошириш, судьяларнинг моддий ва ижтимоий кафолатлари, судьяни лавозимга тайинлаш ва озод этиш, судьянинг ваколатлари, судьяни бошқа лавозимга ўтказиш шартлари каби муҳим қонунларни ўзида камрайди.

Учинчидан, суд тизимини молиялаштиришда суд ҳокимияти мустақиллигининг кафолатларини қучайтириш бўйича қонун лойиҳаси тайёрланади. Унда суд тизимини молиялаштириш учун маблағлар ажратиш ва тақсимлаш жараёнида судьялар ҳамжамиятининг иштирок этиши кафолатлаб қўйилиши қўмиталарда.

Тўртинчидан, Олий Мажлис Сенатида Конституциявий суд ва Олий суд судьялигига, Судьялар олий кенгаши аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш бўйича қонун лойиҳаси қабул қилинади. Лойиҳада Конституциявий суд ва Олий суд судьялигига, Судьялар олий кенгаши аъзолигига номзодларни Сенат томонидан сайлашда мазкур масалани дастлаб Сенат қўмиталари томонидан муҳокама қилиш тартибини жорий этиш масалалари назарда тутилди.

Давлат дастурининг 87-мақсади ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини инсон манфаатлари, кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтиришга оид чора-тадбирлардан иборат. Жумладан, «Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаси тайёрланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕВАР ДАВЛАТ

Давлатнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги, мамлакатнинг тинчлиги-ю осойишталиги, халқнинг ободлиги ва бахтиёрлиги, шубҳасиз, кўплаб иқтисодий омиллар билан ҳамбарчас боғлиқ. Шу маънода, 2025 йилги давлат дастурида буларнинг барчаси ҳисобга олингани гоят эътиборлидир.

Хусусан, Давлат дастурининг 49-мақсади мамлакатимиз инвестициявий жойбадорлигини янада ошириш ва қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантиришга оид қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган. Бу борада янги тахрирда қабул қилинадиган «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонунда:

Биринчидан, махсус иқтисодий зоналар амалдаги иштирокчиларнинг инвестиция шартномалари доирасидаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини сақлаб қолиш; иккинчидан, ушбу иштирокчилар учун тенг инвестицияларни ҳимоя қилиш кафолатларини тақдим этиш;

учинчидан, суд низоларини кўриб чиқишда халқаро Арбитражга рухсат беришга оид нормалар кўзда тутилди.

Ўз навбатида, Давлат дастурининг 60-мақсади ҳудудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини яхшилашга оид чора-тадбирлардан иборат. Бу борада «Улуғ қириш асосида уй-жой қуриш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқишлиши белгиланган.

Айни қонун лойиҳасида уй-жойлар қуришга жисмоний ва юридик шахслар пул маблағларини жалб қилишнинг замонавий механизмларини, жумладан, улуғ қириш асосида уй-жой қурилишида қатнашиш механизмларини жорий этиш, шу тартиб асосида фуқароларнинг қўпқаватли уй-жойлар қурилишида иштирокчи таъминлашнинг қонуний асосларини яратиш, уй-жой қурилишида улуғ қириш асосида иштирок этиш шартлари ва тартибини, қурилиш ташкилотларига нисбатан махсус талабларни белгилаш назарда тутилди.

Биз санаб ўтган барча устувор йўналиш ва мақсадлар Давлат дастурининг 90-мақсадида белгиланган Янги Ўзбекистон ташки сиёсатини халқ ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда изчил амалга ошириш вазифалари билан бевосита алоқалор. Шу мақсадга қабул қилинадиган «Дипломатия хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳасида, хусусан, дипломатия хизмати тушунчаси ва турлари, дипломатия хизмат вазифаси ва функциялари, ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; дипломатия хизмати қабул қилиш, ротация тартиби ва дипломатия хизмати ходимларининг узоқ мuddатли сафарда бўлиш мuddатлари; дипломатия хизмати ходимларини касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби, ходимлар фаолиятининг самаралорини баҳолаш механизми; дипломатия хизмати кўрсатувчи шахслар макони, хорижий ҳамкорлар билан ишлаш механизми; дипломатия хизмати органларини молиявий ва моддий-техник таъминлаш механизмлари, ходимларни моддий рағбатлантириш ва уларнинг ижтимоий таъминоти назарда тутилди.

ЯНГИ ТАШАББУС

эканликларини билдирдилар. Бу музокаралар Исроил босқинини тўхтатиш ва суверен Палестин давлатини ташкил этиш мақсадида олиб борилиши керак.

Ҳужжатда палестинликларни мамлакат ичида ёки ташқарисига қўчиришнинг ҳар қандай шакли қонуний экани, бундай ҳаракатлар ҳеч қандай баҳона ёки асос билан оқланмаслиги кераклиги алоҳида ургунланди. Шунингдек, ўт очиниш тўхтатиш бўйича келишувнинг тўлиқ бажарилиши, иккинчи ва учинчи босқичларнинг амалга оширилиши, Исроил қўшинларининг Газо секторидан тўлиқ олиб чиқилиши талаб қилинди.

Араб давлатлари етакчилари БМТ Хавфсизлик Кенгашини Ғарбий қирғоқ ва Газо секторидан халқаро тинчликпарвар кучларини жойлаштиришга, палестинликлар ва исроилликлар хавфсизлигини таъминлашга чакирдилар.

Бир қарашда ушбу режа минтақани кайта тиклаш учун реал имконият яратиши мумкин. Бироқ унинг амалга ошиши бир неча жиддий муаммоларга боғлиқ.

Авваламбор, ХАМАС тўлиқ қуролсизлангирилмас экан, Исроил Ғазони тиклаш ва унга ёрдам беришни рад этиши мумкин. У ХАМАСнинг 7 октябрдаги ҳужумлари очик қораланмагани боис АДЛ саммитидаги режани қабул қилгани йўқ.

Саудия, Қатар ва Миср бундай сценарийни амалга ошириб бўлмайдиган, дея баҳолаётган. ХАМАС эса назмурий назоратдан воз кечишини, аммо сиёсий саҳнадан бутунлай кетмаслигини маълум қилган. Агар янги ҳукумат ХАМАС таъсири остида қолса, Ғазони тиклаш ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмаслиги мумкин.

Аммо Миср режаси Ғазони кайта тиклаш ва тинчлик ўрнатиш учун аниқ йўл харитасини тақдир қилди. У минтақани инкироздан олиб чиқиш, узоқ мuddатли барқарорлик яратди. Бироқ унинг муваффақияти Исроил ва ХАМАС ўртасидаги келишмовчиликлар қандай ҳал этилишига боғлиқ.

Агар режа амалга ошса, Ғазо низолар ўчоғидан Яқин Шарқдаги иқтисодий ва сиёсий барқарор ҳудудга айланиши мумкин. Бироқ энгиз ўтиш душвор сиёсий зиддият ва келишмовчиликлар ушбу режанинг бажарилишини хавф остида қолдирмоқда.

Нима бўлганда ҳам, Яқин Шарқда кучлар мувозанати ўзгармоқда. Араб давлатлари (Миср, Саудия, БАА) илк бор Вашингтон ва Тель-Авивга ўз кун тартибининг сингдиришга муваффақ бўлди. АДЛ стратегик масалаларда бирдамликни намоен этиб, ўзининг сиёсий таъсирини оширди.

ХАМАС эса сиёсий саҳнада қолишга муваффақ бўлди,



бирок унинг келажаги хануз ноаниқ. Исроил мураккаб танлов қаршида қолди. У энди янги воқеликни тан олиб, мураса йўлларини излаш ёхуд можарони янада қучайтириш, унга баттар олов пурақши керак. Трамп режасини ҳеч бир йирик араб давлати қўллаб-қувватламагани билан боғлиқ дипломатик муваффақиятсизлик эса қайсидир маънода Вашингтоннинг минтақадаги нуфузини

Хитой ва Россия фойдасига пасаитириши мумкин. Яқин Шарқ яна ўзгаришлар арафасида турибди. Бу сиёсий ўйинга тикилган дов анча юқори. Чунки унинг натижалари нафақат Ғазо, балки бутун минтақанинг келажагини белгилаб беради.



Жаҳонгир
НАХАНОВ
«ISHONCH»



**МОРАТОРИЙНИ
МЕНСИМАЁТГАНЛАР КИМЛАР?**

Ўзбекистонда юзлаб дарё, канал ва сойлар бор. Минг афсуски, бугун улар катта хавф остида. Масалан, узоқ йиллар Қорадарё ва Оқдарёда қум ва шагалларнинг ноқонуний қазиб олиниши атроф-муҳит, сув ва йўл ҳужалиги объектларига салбий таъсир кўрсатган. Зарафшон дарёси қирғоғида жойлашган «Зарафшон миллий табиат боғи» худудиде ерости сувлари сатҳи 3-4 метрга пасайиши оқибатида дарахтлар қуриб қолмоқда.

Умуман олганда, ҳозир дарёларнинг сув сатҳи 5 метрга пасайган, бу хатто ўзанлар устига қурилган автомобиль йўлларидеги кўприкларнинг таянч устунлари очилиб қолишига ҳам сабаб бўлган.

Сунгги вақтларда бунёдкорлик ишлари янада кўпайди ва бу уларнинг барчаси дарёларга «кўз тиккан». Экологларнинг фикрича, дарёлардан мунгазам қум-шагал қазиб олинганда, ер ости сувлари кочиби, дарё ўзанлари ўзгаради. Бунинг устига, қазиб олишнинг белгиланган нормалари бор. Ноқонуний қарьларда ҳеч қандай тартибга риоя қилинмаслиги оқибатида табиатга жиддий зарар етляпти, қирғоқлар қинқиндихоналарга айланяпти.

Журналист Наргис ҚОСИМОВА ушбу долзарб мазву бўйича шундай фикрлар билдирди:

— Дарёда тайёр ювилган, майда шагаллар бор. Агар қурилиш учун тошлар тоғлар четидан олиндиган бўлса, уни қазиб ва «дробилка»ларда майдалаш ва ювиши керак. Албатта, бунга катта меҳнат ва маблағ талаб қилинади. Шунинг учун асосий қум-шагал олиндиган жойи — дарё ўзанлари бўлиб қолган. Коррупция бартарарф бўлмас экан, бу нарсда давом этверади. Лекин бу охири-оқибат ҳалокатли сабабларга олиб келмаса, деб қўрқаман. Еуропа давлатларида дарёларнинг қирғоғидан тош ҳам олиб бўлмади. Бунинг учун қатъий чоралар белгилаб қўйилган...

2024 йил 17 январда Президентимизнинг «Сув ҳавзаларида норуца материалларни қазиб олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унга биноан Чирчиқ, Сирдарё, Сангзор, Зарафшон, Норин, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари ўзанларидаги ҳолат кескин чоралар талаб қилиши туфайли, ушбу дарёларда норуца материалларни қазиб олишга муддатсиз мораторий жорий қилинди. Бу борадаги ноҳўй ҳаракат учун жарима миқдори 10 баробарга оширилди. Давлат экологик инспекциясининг тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликдаги қатъий назорати ўрнатилди. Эндиликда дарё ўзанлари, соҳил бўйи минтақалари ва сувни муҳофаза қилиш зоналаридан қум-шагал материаллари қазиб олиш ҳуқуқи фақат «E-auction» электрон савдо платформаси орқали реализация қилиниши белгиланди.

Мораторийнинг бугунги кундаги ижроси хақида ҳамда унинг қурилишлар соҳасига таъсирини билиш мақсадида айрим мутахассислар билан суҳбатлашдик.

Ақтам РАҲМАТОВ, Тошкент вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бош мутахассиси:

— Чотқол тоғ тизмаларидан бошланиб, Чиноз туманидан Сирдарёга бориб қўйилувчи Чирчиқ дарёсининг узунлиги 154 километрини ташкил қилади. Бу дарё атрофида ичимлик сув таъминоти жойлашган. Қарьерлар фаолияти эса, ер ости сувлари қочилишига, аҳолига ичимлик сув етказиб бериш қийинлашишига олиб келади. Шунинг учун қабул қилинган мораторий буларнинг олдини олишда яхши омил бўлди. Айни пайтда дарё бўйларидаги 50 дан ортиқ фирмаларнинг қум-шагал қазиб олиш фаолияти тўхтатилган ва қуну тун навбатчилик рейдлари ўтказилляпти. Бироқ мораторий эълон қилинганидан кейин ҳам, Тошкент вилояти ҳақида Сирдарёнинг Тошкент вилоятидан оқиб ўтган қисмида 20 га яқин ноқонуний қум-шагал қазиб олиш ишлари амалга оширилган. Оқибатда табиатга умумий ҳисобда қарийб 800 миллилард сўм атрофида зарар етказилгани аниқланди. Ушбу фирмаларга қонунода белгиланган тартибда жарималар қўлланилди. Шу билан бир қаторда, Чирчиқ дарёси бўйларидеги чиқиндилар ҳақида ҳам запариб ўтасак. Таассуфки, атрофга камералар ўрнатилганига қарамай, ҳатто юк машиналарида турли маший чиқиндиларни дарё атрофига келтириб ташлаётган кимсалар учраётгани ачинарли ҳол. Дарё узун, унинг назоратини тўлиқ қамраб олиш учун бошқармада ходимлар ҳам еттишмайди. Айни дамда дарёни қайта тиклаши, унинг атрофини тоза тутуши, яшилликни кўпайтиришига эҳтиж катта.

Мораторий амалиётга татбиқ этила бошлангач, қум-шагал ва қайта ишланган хомашёларнинг нархи кескин кўтарилиб кетди. Ҳозир қурилиш қилаётган хонадон ёки фирма эгаси билан гаплашсангиз, хомашёлар нархлари деярли икки-уч баробарга ошганини айтиби, ёзгири-

шади. Яқиндагина қурилиш қилган бир фуқаро «клинец»ни ўтган йил 800 минг сўмдан, энди эса 1 миллион 900 минг сўмдан сотиб олганини айтиди. Шу пайтгача 600 минг сўмдан олиб келган «щепень»ни эса 1 миллион 300 минг сўмдан харид қилган.

Ҳовлилардаги қурилишлар-ку, майли, ўз йўлига. Лекин катта миқдорда хомашё кетадиган кўпқаватли уй-жойлар қурилишларида ахвол қандай? Нурафшон шаҳри айни пайтда Тошкент вилоятининг маъмурий маркази. Шу сабабли, худудда қурилишлар авжида. Ҳўш, мораторий уйларнинг сифати ёки хонадонлар нархининг кўтарилишига олиб келмаяптими? Биз қурувчи фирмалар вакилларининг айримларини суҳбатга тортидик.

Сирожиддин О.ЛЮБЕРГАНОВ, «Salom Nurafshon» ҳамда «Sabo Nur» МЧЖлари раҳбари, тадбиркор:

— Нархлар ошган. Масалан, 3-4 ой олдин Чиноз туманидаги фирмалардан катта юк машинасида 6 млн. сўмдан қум олиб келдик. Бултур худди шу миқдордагисини 2 млн. сўмдан олаётгандик. Айни пайтда Хоразм вилоятида ҳам қурилишлар олиб бораёмиз, лекин у ерда «Снастан» машина сизимидаги қумни 900 минг сўмдан харид қиламиз. Объектлар учун аҳоли билан шартнома қилиб бўлинган, хонадонлар нархини оширолмаёмиз. Лекин навбатдаги объектларни тишган гитдан эмас, енгил конструкция асосида қурилиш режалаштирдик. Яъни бунда шувёқ қилинмайди, тайёр бетон олинади, газоблок иштатилади, деворларига шиллов беришда иссиқ-совуққа муътадил бўлган — базальтдан фойдаланилади. Табиатга зарар келтирмаслик учун мораторий жорий қилингани яхши иш бўлди.

«Modern house» МЧЖ бош менежери:

— Аҳоли билан икки йил олдин шартнома тузилган. Ҳўша пайтда қурилиш ишларининг нархи ҳисоб-китоб қилинганида қум, «щепень» нархлари арзон эди. Ҳозир эса, жуда охиб кетди. Биз кўп сонли аҳоли учун уй қураёмиз, шундай экан, ҳеч бўлмаса, ҳокимлик ёки бошқа мутасаддилар томонидан хомашёлар арзонлаштирилган нархларда таъминланса, яхши бўларди. Лекин нархлар ошгани қурилиш сифатига ҳеч қандай таъсир ўтказмайди. Чунки Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси иштатилган ҳар бир нарсани махсус ускуналар орқали қатъий текшириб қабул қилади. Уларнинг яхши ҳуқуқсизлиги ўйни тоширолмаёмиз.

Қум-шагал йўллар қурилишида ҳам иштатилади. Ҳўш, мораторийнинг йўлсозлик соҳасидаги сифатга таъсири борми? Бу борада Тошкент вилояти Автомобиль йўллари худудий бошқармаси бошчилигининг биринчи ўринбосари Абдуғуфур ЮСУПОВ шундай деди:

— Мораторийнинг жорий қилиниши ва қум-шагал нархлари ошишининг йўллар қурилиши сифатига ҳеч қандай таъсири йўқ. Шунчаки, эндиликда шагал нулли бўлди. Масалан, энди 1 тонна асфальт нархига тахминан 10 фоиз қўшилди. Шагаллар махсус рухсатномаси бор фирмалардан олиб, иштатилтишаверади.

Биз Пискент туманида жойлашган қум-шагални қайта ишловчи «дробилка»га ҳам бориб, махсулотлар нархлари билан кизикдик.

— Битта «ЗИЛ» машинасидаги қумнинг баҳоси 1 миллион сўм, — дейди юк машинаси ҳайдоовчиларидан бири. — Тиркичилигимиз шундан. Кечгача шу ерда бўламиз, харидор келса, 800 минг сўмга қум ортиб беришади, мен эса манзилига қараб, 200 минг сўмдан бошлаб йўлқира ҳақи оламан. «Щепень» нархи 750 минг сўм. Шагал эса ҳозир йўқ...

Шунингдек, янгийўллик бир «хोजатбарор»нинг ушбу махсулотларни топиб бериш билан шуғулланишини эшитиб, гўёки харидор сифатида унга кўнғироқ қилдик ва махсулотларни арзонроқ нархда топиб беришини сўрадик.

— Чиноздан тоза, ювилган қум топиб бероламан, — деди у. — Қумни ортиш ва манзилга элттиш катта «Нова» машинасида 4 млн. сўм бўлади. Агар манзилнинг узоқроқ бўлса, нарх бироз ошиши мумкин. Арзони йўқ, охири тақалдан нарх иш. Шагал ҳозир йўқ. Лекин Сирдарёдан кечаси қазиб, ортиб бераётганлар ҳақида биламан. Истагансиз, суриштириб сизга шагал топиб бераман...

Президент фармони билан эълон қилинган мораторийда Сирдарё номи ҳам бор эди. Ажабо, у дарёдан кечаси шагал қазиб олаётган шоввозлар кимлар экан-а?

Кўриниб турибдики, мораторийни менсимай, шахсий манфаатлари йўлида дарёга зиён етказётганлар ҳамон бор. Оша табиат — барчамизники. Табиий бойликларни шахсий манфаатлар учун йўқ қилиш эмас, борлигича асраш барчамизнинг инсонийлик бурчимиз. Зеро, биздан кейинги авлодлар ҳам мана шу дарёлардан сув ичишини, яшилликлардан баҳраманд бўлишларини ҳисобга олайлик!



Холида ЭГАМБЕРДИЕВА «ISHONCH»

Инфекция инсон ёки ҳайвон танашига тушадиган микроорганизмлар таъсирида юзага келадиган жараёндр. У юрак, қон босими, қандли диабет ёки бронхит астма каби инсон аъзоларининг муаммоси эмас, балки ҳеч қандай огоҳлантиришсиз одамлар саломатлигига таҳдид соладиган ҳолат бўлиб, тез тарқалади ва ўзаро мулоқот асносида юқади.

Юқумли касалликлар орасида ҳаво-томчи йўли билан тарқаладиганлари энг хавфли саналади. Жумладан, кизамиқ ҳам. Кизамиқ белгилари одатда икки босқичда намоён бўлади. Олдинига иситма, йўтал, бурун оқниши, кўз қизариши ва ёшланиши кузатилади. Орадан 3-7 кун ўтиб, танага қизил доғли тошмалар тошади.

Баъзи одамлар кизамиқни «Арзимас тошма ва иситма, бир неча кун ичида ўтади-кетди», деб ҳисоблашади. Аммо касаллик, айниқса, 5 ёшгача бўлган болалар орасида

ҚИЗАМИҚ ОДДИЙ ТОШМА ЭМАС

мия шиши, мия энцефалити, зотилжам, ўрта кулоқ инфекциялари, томоқ бўғилиши, диарея каби асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Оқибатда хар 1000 кишидан 1-3 нафари, хатто, яхши парварishi қилинса-да, вафот этиши кузатилади. Шу боис унга нисбатан бепарво бўлиш ярамайди.

Фарзандларимизни вакцина ёрдамида кизамиқдан хавфсиз ва самарали ҳимоя қилишимиз мумкин. Миллий эмлаш календарини бўйича кизамиқка қарши биринчи эмлаш вакциналари билан бир ёшга тўлган болалар эмла-

нади. Лекин ҳозир дунёда кизамиқ бўйича эпидемик вазият барқарор эмаслиги туфайли эпидемиологик кўрсатмага кўра, кизамиқка қарши биринчи эмлаш ишлари 6 ойдан 1 ёшгача бўлган болалардан бошланади. Бола олти ёшга тўлганда, иккинчи марта қайта эмланади.

Шифокор сифатида барча ота-оналарни фарзандлари саломатлигига эътиборли бўлишга чакирамиз. Оилада 6 ойликдан 1 ёшгача бўлган, бир марта кизамиқка қарши эмланган, шунингдек, эмланмаган 30 ёшгача аъзолари бўлса, худудий даволаш-профи-

лактика муассасаларига мурожаат қилишлари зарур. Унутмангки, кизамиқка қарши эмланиш орқали оиланинг бошқа аъзоларини ҳам касалликдан ҳимоя қилган бўласиз.

Миллий эмлаш календарига ҳамда эпидемиологик кўрсатмага кўра, кизамиқка қарши барча эмлашлар бепул амалга оширилади.

Нурилла ЭШОНҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти
СЭО ва ЖС бошқармаси
Оқолтин тумани бўлими
ходими



Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



Илҳом Иброҳимов ижросида
«СЕНИ СОҒИНМОҚ» қўшиғи

Сени соғинмоқ,
Денгизда сузмоқ,
Оҳ, нега соғиндим,
Шунчалар ёмон...

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

ISSN 2030-5009

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o'rinbосari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati — (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi zarur.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Abdurahmonov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
U. Xudoyberganova

Sahifalovchi:
H. Abdjalilov

Bosishga topshirish vaqti — 00:50
Topshirildi — 01:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 32 463 ta
Shundan: 6 275 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadotirik kompaniyasi bosmaxonasi — Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
18 277 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi — Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 914 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi — Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazetaning poligrafik jaxjatlardan sifati chiqitilishiga bosmaxonaga mas'ul.

Gazetaning etkazib berilishi uchun obunani rasmiy lajnatirgan tashkilot javobgar.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-311

1 2 3 4 5 6